



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 16-iyul, payshanba, 29 (609)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мустақкам стратегик шерикликка асосланган бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари бўйича изчил ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутлар экан, Ўзбекистон мазкур учрашувни ўзаро манфаатли кенг кўламли масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бераётган доимий сиёсий мулоқотларнинг давоми, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг 10 июль куни Уфа шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари ўзаро муносабатлар ривожидан муҳим воқеа бўлгани қайд этилди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигидан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш, шубҳасиз, кўпқиррали ўзаро мулоқотни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидан биридир.

Сухбат чоғида долзарб халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шаҳрида ўтган саммити якуналарини юксак баҳолади. ШХТга навбатдаги мuddатга раислик қиладиган Ўзбекистон мазкур ташкилотга аъзо барча давлатлар манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиради ва мустақкамлайди.

Сергей Лавров Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда минтақавий муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)



Солтқ. ЗОИР отган сурат

## Демократик кучлар блокнинг навбатдаги йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР ва «Миллий тикланиш» ДП фракциялари ўртасида тузилган «Демократик кучлар блок»нинг галдаги йиғилишида «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама мавзусига айланди

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан депутатлар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, профилактика тadbирларини ўтказишда санитария меъёrlари ва қондаларига риоя қилишнинг барқарор тизимини яратиш мақсадида ишлаб чиқилганини таъкидладилар. Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатлар фақатгина давлат санитария назоратини амалга ошириш билан чекланиб қолмай, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш, таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена тadbирлари, аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни амалга ошириши ҳам назарда тутди.

— Ҳар бир моддаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган қонун лойиҳаси «Демократик кучлар блок»нинг позициясини ишлаб чиқиш мақсадида ҳар иккала фракция экспертлари иштирокида кенг муҳокама қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шухрат Шарафудинов. — Унинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, партиямиз электорати ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари учун инвестиция муҳити ва бизнес шарт-шароитлари ёмонлашувига йўл қўймастик муҳимлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Шу маънода, қонун лойиҳасида фракция аъзоларининг таклифлари билан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тadbirkorларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари, шу жумладан, уларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тadbирларни ишлаб чиқишдаги иштироки аниқ белгилаб қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида партия фракцияларининг таклифи инobatта олинди, давлат томонидан санитария-эпидемиологик нормалаштириш ҳақидаги меъёр киритилди.

Ишчанлик руҳида ўтган йиғилиш давомида депутатлар томонидан модда-модда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъло муҳокамасига киритиш ҳақидаги таклиф қўллаб-қувватланди ҳамда «Демократик кучлар блок»нинг бу борадаги яққол позицияси келишиб олинди.

## Шаҳар бедарвоза эмас...

Халқимиз қадимдан бағрикенг, дастурхони очиқлиги билан танилган. Аммо бундай меҳмондўстликнинг қадрига етмай, нафси учун ҳам ўзининг, ҳам Ватанининг шаънига доғ тушираётган «меҳмон»лар ҳам йўқ эмас. Амалдаги тартибга мувофиқ, юртимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқаролари Ўзбекистонга кириб келиш вақтида божхона органига тақдим этган декларацияда қайд этилган миқдордаги хорижий валютани божхона баённомасида қайд этилмаган 2 минг АҚШ долларини олиб чиқишга уринди.

## ЭЛЕКТОРАТ МУНОСАБАТИ

### Қалбимиз фаҳрга тўлди

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди»

Азим ЛАТИПОВ, Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Яқинда қашқадарёлик деҳқонлар билан бўлган учрашувда Президентимиз томонидан айтилган бу сўзлар барчамизнинг қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Ҳали-ҳамон ана шу ҳаётни огушида яшамокдамыз. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратил-

гани нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яққол исботламоқда. Фермерлик ризқ-рўз еттиштириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган катта кучга айланди. Тўғри, фақат галла ва пахта билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди. Даврнинг ўзи фермерларга янада кенг эркинлик бериш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини изчил ривожлантиришни тақозо этмоқда. Чунки рўзгоримиз бойигани сари халқ истеъмоли моллари, жумладан, сифатли озиқ-овқатга бўлган талаб ҳам ортиб боради. Бу эса турган гапки, ўз навбатида, дастурхон тўқинлигини таъминлайдиган қи-

шлоқ мулкдорлари зиммасига янада катта масъулият юклайди. Бинобарин, уларнинг фидокорона меҳнатлари халқимиз маъмуричилиги ва фаровонлигининг муҳим кафолатидир.

Бугунги кунда фермер хўжалигимиз тасарруфидан 128 гектарли пахта, 174 гектарли галла майдонлари бўлиб, ушбу экинлар, қолаверса, мева, узум, сабзавот маҳсулотларидан йил сайин мўл ҳосил олишга эришяпмиз. Бултур пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 32 центнерни ташкил этди. Жорий йилда ушбу кўрсаткичнинг 35 центнерга етказиш, жами 450 тонна сифатли хом ашё тайёрлаш

заршуносларимизнинг қалб амрига айланган.

Галлачилик борасидаги натижалар ҳам чакки эмас. Агар 2014 йилда 715 тонна сифатли дон тайёрланган бўлса, жорий йилда бу борада ҳам ўсиш кузатилди. Далалардан 1044 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Шунинг 400 тоннаси хўжалик аъзолари ихтиёрида қолдирилди. Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деганларича бор. Ҳа, меҳнат қилган элда азиз. Мен ана шу каби ҳикматлар нақадар тўғри эканлигига умрим давомида қайта-қайта ишонч ҳосил қилиб келаяпман. Турли даврларда, айниқса, ёшлар билан учрашувларда ҳаётнинг гаши ва лаззати меҳнатда эканлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Ўтган 2014 йил якуналари бўйича пахтадан 653 млн. сўм даромад, 120 млн. сўм соф фойда олган бўлсак, дончиликдаги моддий кўрсаткичлар ҳам мос равишда 253 млн. сўм ва 30 млн. сўм атрофида бўлди. Муҳтарам

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида юртимиз ва халқимиз обрў-эътиборини юксаликка кўтарадиган навбатдаги хушxabарни маълум қилди. Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилгани, Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллаганини эшитиб, яна бир бор кувондим.

Чиндан-да, мамлакатимиз тараққиёт пиллапопларидан дадил одимламоқда. Буни ҳар қадамда кўриб, қалбимиз ҳис этиб турибмиз. Жойларда изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Миллий ифтихор туйғуларини айнан шундай кезларда тيرانроқ ҳис этасан, киши. Обод ва гўзал юрт, дорилмон замонда умргузаронлик қилиш, ўз кундалик меҳнатинг билан унинг кучига куч, кудратига кудрат қўйишининг ўзи олий бахт эмасми?!

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКISTONНИ?..

Янгийўллик Мукаррам ая Нишонбоевнинг нафақага чиққанига бир неча йил бўлганига қарамай уйда ўтириб қолгани йўқ. Ҳамиша одамлар орасида. Хонадонининг эшиги доимо очик. Ҳали у,

ҳали бу масалада маслаҳат сўраб келадиганларнинг оёғи узилмайди. Ҳатто шаҳарга яқин қишлоқлардаги

қавму-қариндош, таниш-билишлар орасида дунёга келган чақалоқни онахоннинг дуоси билан бешикка белаш, биринчи аллани айнан Мукаррам ая бошлаб беришини истовчилар талайгина

— Худого шукур, ҳали тетикман. Бозор-ўчар, тўй-ҳашамларга пиёда бораман, — дейди онахон. — Пули кам экан-да, деб уйламанг. Яхшигина пенсия оламан. Уйда қатор-қатор машиналар бор. Болаларим, нева-чевараларимдагиларни ҳисоблаб айтсам, 10 дан ортик. Аслида Янгийўлнинг ярим машинаси меники, десам ишонверинг. Кўчага чиқсам, иккита машинадан бири ёнимга келиб тўхтади. Йўл бўлсин, бувижон, дея ҳурматимни жойига қўяди. Ана шундай кезларда янада яшариб кетаман. Лекин пиёда юришни яхши кўраман. Оёғимда кувват, танамда куч борлигининг сабаби биринчи галда бу гўзал юртда аёлнинг, оналарнинг ҳар дам, ҳар қадамда эъзозланишидандир.

Онахоннинг болалардай эркаланиб айтган гапларида заррача муболага йўқ экани шундоққина билиниб турарди. Аслида ҳам шундай. Бағрикенглик ўзбекнинг ўзбекилигини белгиловчи қадриятларимиздан бири.

— Яқинда Мамлакатхон келиб-кетганда, — дейди онахон О'зЛиДеР Янгийўл туман кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими раҳбари М.Ибрагимовани назарда тутиб.

2

## БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОХОТ  
Кучли парламент назорати



3

ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР

Фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан



4

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА  
«Барчаси ўз кўлимизда»



5

РЕКЛАМА ЎРНИДА  
Навоийда экспортчи тadbirkorлар кўпаймоқда



7

1 Австралия доллари	1910,37	1 АҚШ доллари	2565,29	1 Хитой юани	413,23	1 Польша злотийси	684,81	1 ЕВРО	2837,78
1 Англия фунт стерлинги	3975,94	1 Миср фунти	327,62	1 Россия рубли	45,27	1 СДР	3603,39	10 Жанубий Корея вони	22,68
1 Дания кронаси	382,84	1 Исландия кронаси	19,34	1 Украина гривнаси	117,05	1 Туркия лираси	962,12	10 Япония иенаси	209,27
1 БАА дирҳами	698,42	1 Канада доллари	2020,71	1 Малайзия ринггити	675,25	1 Швейцария франки	2727,29		

# МУНОСАБАТ

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?..

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Зиёдулла МҮМИНОВ,**  
«XXI asr»

— «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги ҳайдовчилар тайёрлаш мактаби директори ўринбосари, партиямиз фаоли Баҳодиржон Ҳасанов билан бирга онахонни йўқлаб келгандик, — дейди Мамлакатхон. — Партиямиз фаолияти тўғрисида гапириб бергандим, жуда хурсанд бўлиб кетдилар.

## XXIV КИМ ЭДИГУ КИМ БҮЛДИК?

— Лоқайдликни жиним суймайди, — дейди ая маъноли бир қараш қилиб. — Ишбилармон, серғайрат одамлар бошини қовуштираётган партиа яхши партиа бўлади-да.

Онахон билан яна анча суҳбатлашдик. Гап орасида ўзига ўхшаган тенкурлари туманда кўп экани, уларнинг ҳар бири мустақиллигимиз шарофати билан элнинг, юртининг эъзозидида юришгани, давлатимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлишгани ҳақида тўққинлашиб гапириб берди.

Дарҳақиқат, юртимизда кексаларга иззат-эҳтиром кўрсатиш азал-азалдан қонимизга сингиб кетган. Бугун бирор-бир тармоқ ёки соҳа, оила йўқки, ёши улуглар маслаҳатига қулоқ тутилмас. Қайси вилоят ёхуд туман, қайси кишлоқда бўлган, албатта, кўпга бош бўлган қайвонилар, жўяли маслаҳатлари билан ҳурмат қозонган устозларни учратасиз.

— Туманимизда истикомат қилаётган 160 минг нафардан ортиқ аҳоли орасида ёши 70 дан ошиб, 100 ни қораллаганлар кўпчиликини ташкил этади, — дейди Мамлакат Ибрагимова. — Янгийўлликлар уларни меҳр-оқибат, савоҳат, барака тимиоли сифатида эъзозлайдилар. Қувонарлиси, улар орасида O`zLiDeP аъзолари, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида биринчилардан бўлиб тадбиркорликка қўл урган, фермер хўжаликлари ташкил этганлар ҳам бор. Партиа туман кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан бирга уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар ҳолидан мунтазам хабар олиб турибди. «Нов» санаториясида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келиб, ўз саломатликларини тиклаётган отахон онахонларни зиёратгоҳларга олиб бориш, пойтахтда амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар билан таништириш мақсадида саёҳатлар уюштиряймиз. Яқинда туманимизда фаолият олиб бораётган хорижий компания раҳбарларидан бири: «Биласизми, мен Ўзбекистонни нима учун севаман?» деб айтиб, ўз саволига ўзи жавоб қайтарди: «Ўзбекларга, айниқса, уларнинг кексаларига ҳавасим келганидан. Қариб қолишдан қўрқмайсан бу юртда. Ҳали давлат-ку-давлат, оила аъзолари, қўни-қўшни, маҳалладан ортмайди бу ернинг кексалари. Уйининг тури, меҳрининг қўри уларга. Юртда тинчлик ҳукмрон бўлгани учун ҳам барака, баракали инсонлар кўп. Бундай элнинг садағаси кетсанг арзийди». Унинг ҳавас билан айтган гапларидан тўққинлашиб кетдим...

Жаҳонда эл кўп, элат кўп. Аммо соҳибқирон Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, бажариладиган буюк ишларни доимо машварат йўли билан ҳал этадиган бундай юртни дунёни пиеда кезиб ҳам топиш амримаҳол эканига яна бир қарра иймон келтирдим.

## Шаҳар бедарвоза эмас...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Киевга парвози олдидан украиналик Л.Жумаева ҳам 3300 АҚШ долларини сумкасининг кўз илғамас чўнтагига яшириб, панд еди. Хўшёр божхоначилар томонидан сирини очилганида баҳонага ўрин қолмади. Чин юрти дейилганда кўз олдимида меҳнаткаш ва беҳаловат хитойликлар гавдаланади. Биздаги каби ҳалоллик ва тўғрилик бу дийёрда ҳам юксак қадрланади. Аммо юртимиздан ўз шаҳрига қайтаётган урумчилик А Го Дун қингир хатти-ҳаракати билан миллий қадриятига хиёнат қилди. Унинг 2200 АҚШ долларини ва 4200 хитой юанини яширинча олиб чиқишга уриниши текширув пайтида фожия қилинди. Унинг ватандоши А Вень Ян ҳам божхоначиларни доғда қолдириб, 3100 АҚШ долларини олиб ўтишга қилган ҳаракати зое кетди. Москвага учмоқчи бўлган З.Рашидов ҳам божхона кўригидан ўтолмади. 3200 АҚШ долларини яширгани боис унга ҳаво кемасига чиқиш насиб этмади. «Тошкент-Иркутск» рейси бўйича парвозга шайланган К.Сергей, Нижний Новгородда яшовчи Т.Лилия, Туркия фуқароси Демир Ҳасан ҳам «Тошкент» халқаро аэропортида «меҳмонлик» иззатини қадрламагани учун қонун олдига жавоб берадиган бўлди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текшируви ва суриштирув ишлари олиб борилаёпти. Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ҳодимларининг ҳуқуқни муҳофазат қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 48 та божхона қондабузарлиги натижасида чет эллик фуқаролар томонидан 73,3 минг АҚШ долларини, салкам 12 минг евро, 462 минг Россия рубли ва бошқа хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

«Тошкент-Аэро» ИБК ахборот хизмати.

# Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини сақлаш — долзарб масала

O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Парламент куйи палатасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган ушбу қонун лойиҳаси бўйича фракциямизнинг ўзига хос позицияси бўлиши табиий, албатта. O`zLiDePнинг ушбу ҳужжат меъёрларига оид қарашларига ўтишдан олдин мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун қандай эҳтиёж бор эди, деган саволни ўртага қўйиш мақсад мумофиқдир. Чунки шу пайтгача «Давлат санитария нazorати тўғрисида»ги қо-

ва атроф-муҳитга бўлган таълабларнинг ортиши, жамиятдаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши халқимиз саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг тақомиллаштириши тақозо этмоқда. Унинг амалда қўлланилишини осонлаштириш ва ташуурилишини содда-лаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчи ўқишда қўриб чиқилаётган қонун лойиҳасини тайёрлашда давлат санитария нazorати тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳолати ва мавжуд муаммолар атро-



Сониқ ЗОИР-ОИНАН ОУРАТ

**O`zLiDeP ана шу қатъий нормани инобатга олган ва ўз электорати манфаатлари ҳимоясига содиқ қолган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, санитария-эпидемиологик вазият барқарорлигини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.**

нун амал қилиб келаётганди. Хўш, бир қонунни иккинчиси билан алмаштиришдан мақсад нима?

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг баъзи жиҳатлари бугунги глобаллашув даври талабларига жавоб бермай қолди. Яъни, халқаро иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадаллашиб бориши, экология

флича ўрганилди. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик осойишталики таъминлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси ҳисобга олинди.

— Ҳаётий аҳамияти юқори бўлган ушбу қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик

осойишталигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белги-

лаб беради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева. — Яъни санитария ва эпидемиология қондаларига хоҳ давлат ташкилоти, хоҳ тадбиркор бўлсин барча бирдек амал қилиши лозим. Зеро, ҳозирги вақтда атроф-муҳит ва инсон соғлигини муҳофаза қилиш нафақат давлат, балки жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг ишига айланмоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида техник тартибга солиш соҳасида озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш ва ташиш, меҳнат шaroити ва ҳоказоларга оид меъёрий ҳужжатларга санитар-эпидемиологик талаблар аниқлаштирил-

ди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб туриш суд тартибиде амалга оширилади. Агарда фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар шаклида аҳоли ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий ҳаф пайдо бўлса, улар фаолиятини 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиб туриш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология нazorатини амалга оширувчи мансабдор шахсларга берилди. O`zLiDeP ана шу қатъий нормани инобатга олган ва ўз электорати манфаатлари ҳимоясига содиқ қолган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, санитария-эпи-

демиологик вазият барқарорлигини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, қонун лойиҳасида техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга қўйиладиган ер участкасини таплаш, объектларни режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қимёвий ва биологик моддаларни утилизация қилиш ва зарарсизлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш, ташиш, меҳнат шaroитлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, қонуннинг кучга кириши мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнини тартибга солишнинг комплекс тизимини мустақамлашга хизмат қилади. Ййгилиш сўнггида депутатлар «Аҳолининг санитария-эпидемиологик масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар. Шу ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Очиқлик ва ошқоралик

Яқинда Юртбошимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун имзоланди ва матбуотда эълон қилинди. Унга асосан амалдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ҳам янги 25-модда билан тўлдирилди. Унда Конституциямизнинг 103-моддасига қиритилган янги демократик меъёрларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган, яъни вилоят, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалаларга юзасидан тегишли халқ депутатлари кенгашига ҳисоботлар тақдим этилиши билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган



**Дилфуза УРОЛОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчалик самарали ишлайди?

Қонунга биноан эндиликда вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда эшитилади. Мазкур тадбир вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан, туман ва шаҳарларда эса вилоятларда тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказиладди. Бу эса халқ депутатлари кенгашлари ишининг самарали ташкил этилишига ҳуқуқий замин бўлади. Яъни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини қўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда самарали

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан доимий бохабар бўлиб туришига хизмат қилади.

Қонуннинг муҳим жиҳатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Жумладан, муҳокама яқунлари бўйича халқ депутатлари кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлиги ва комплекс баҳо берилди.

**Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини қўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда самарали муҳокама қилиш, ҳокимлар томонидан ҳисоботлар тақдимоти жараёнида такрорийликни истисно қилиш**

ва пировардида маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Киритилган норманинг эътиборга молик яна бир жиҳати шундаки, ҳокимнинг ҳисоботини эшитишга бағишланган халқ депутатлари маҳаллий кенгаши ййгилишларига тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларининг тақлиди этилиши белгиланган. Бу эса муҳокама қилишда демократик тарзда ўтиши, ҳам ҳокимнинг, ҳам депутатларнинг масъулиятини ошириш, энг муҳими, парламент аъзосининг ўзи сайланган ҳудуддаги

Эътиборлиси, мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш билан бир қаторда, унинг белвосита ҳуқуқни қўлловчилар ҳамда фуқаролар учун танишиш ва фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Уларнинг ишини тақомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар, шунингдек, қарор ижроси устидан нazorатни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилди. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий томонидан қабул қилинган ҳужжатлар тегишли ҳудудда жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлиб, айнан мазкур қарорда уни амалга оширишнинг бориши устидан нazorатни таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг белгиланиши ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳуқуқий асос бўлади.

## Кўптармоқлик — кўп даромад манбаи

O`zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Ўзбекистонда фермер аёллар — етакчи ижтимоий куч» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини омдалаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда учрайдиган мавжуд қамчиликларга ечим топиш, янги иш ўринларини яратиш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр юритилди.

— Кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди O`zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши раиси ўринбосари Г.Холмуродова. — Бунинг натижаси ўлароқ, маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифати ортиши, фермернинг даромади кўпайиши, бозорларимиз янада тўқин-сочин бўлиши шубҳасиз. Шундай экан, фермерлик ҳаракатида кенг йўл очиш, соҳани изчил ва босқичма-босқич ривожлантириш ҳақида диққат марказида бўлиши лозим. Тадбир давомида O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага», «Соғлом оила — мустақам оила», «Фермер аёллар» каби лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шундан сўнг «Чинобод кенг далалари», «Абдуҳолик ота» фермер хўжалиги раҳбарлари Наргиза Аҳмадалиева, Гулнора Ўйбосорова сўзга чиқиб, чорвачилик, полициялик, балиқчилик истиқболлари, ушбу соҳаларнинг аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, ёшларни иш билан таъминлашда катта аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Ййгилишда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга гав бўлаётган айрим муаммолар муҳокама қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

## Қанлиқўлда аёл фермерлар сафи кенгайди

Қорақалпоғистон Республикаси, Қанлиқўлда туманида «Фермерлик тарақиёти — фаровонлик манбаи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. O`zLiDeP туман кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда партиа фаоллари, фермер хотин-қизлар иштирок этиб, кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикрлашдилар. Таъкидланганидек, жорий йилнинг 15 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни маддан ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада ўзига хос ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилмоқда. — Маълумки, ҳар қандай давлат тарақиётда қонуларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир, — дейди «Қурбанзаде-Дурназар» фермер хўжалиги раҳбари Шолпан Қурбанзаева. — Мустақилликдан кейинги йилларда аграр соҳанинг ҳуқуқий асосини мустақамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. O`zLiDeP ҳам ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданқоқ кишлоқ мулкдорлари манфаатини ҳимоя қилишга астойдил киришди. Мана, бугун ҳеч нимдан кам эмасиз. Бозорларимизда йилнинг истаган фаслида сархил мева-чева, полиз маҳсулотларини харид қилиш мумкин. Фермерлик орқасидан оиламиз бут, турмушимиз фаровон. Бу ҳам бўлса, мустақилликнинг яна бир катта шарофатидир. Сўзга чиққанлар аграр соҳадаги мавжуд муаммоларга тўхталиб, уларга ечим топиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, ушбу соҳага эндигина қадам қўйган фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги хусусида фикр юритдилар.

Дилноза НОМЗООВА.

**Президентимиз бир неча бор таъкидлаганидек, «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборатдир»**

## КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Клара ЖУМАМУРАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Дарҳақиқат, ҳар қандай демократик давлатнинг асосий мезонларидан бири давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар орасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг мавжудлигидир. Буларнинг барчаси ҳокимият ваколатларининг бир ҳокимият тармоғида тўпланишига йўл қўймаслигининг энг муҳим кафолати, демократик ривожланишнинг, жамиятда барқарорлик, қонунийлик ва манфаатлар мутаносиблигини сақлашнинг асосий шarti ҳисобланади.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, партияимиз фракцияси аъзолари ва маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг ўзаро ҳамкорлигида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг марказда ва жойлардаги ижроси устидан кучли депутатлик, парламент назоратини ўрнатилиши тизими шакллантирилиб, бугунги кунда парламент дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қўллаб келинмоқда. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинган.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлики жадвал ривожлантириш учун янада қулай муҳит яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат органлари томонидан ноқонуний аралашига йўл қўймаслиқ каби қатор дастурий вазифаларимизни амалга оширишда ушбу тизимдан тўлақонли фойдаланиб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг олти ойи давомида O'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси аъзолари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик корпуси томонидан жами 141 назорат-таҳлил фаолияти ташкиллантирилди. Натижада тегишли вакиллик органлари сессиялари, доимий комиссиялари ва депутатлик гуруҳларимиз йиғилишларида 132 нафар мансабдор шахснинг ахбороти тингланди, жойларга 751 та депутатлик сўрови юборилди.

Аниқ мисол сифатида Андижон ҳамда Сурхондарё вилоятларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг қандай бажарилаётганлиги борасида амалга оширилган назорат-таҳлил фаолиятини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, назорат-таҳлил жараёнида Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фа-



Силик ЗОИР олган сурат

олияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда нега айнан Андижон ва Сурхондарё вилоятлари танлаб олинди, деган ўринли савол туғилади. Маълумки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимиз ҳудудларидаги ишбилармонлик муҳити махсус индекслар асосида баҳолаб борилди. Таҳлилларга кўра, 2014 йилда Андижонда энг юқори бизнес фаоллик индекси 47,5 пунктга эга бўлган бўлса (2013 йилга нисбатан 20,6 пункт юқори), Сурхондарё вилоятида эса ушбу кўрсаткич — 33,1 га тенг бўлган (2013 йилга нисбатан 6,2 бандга юқори), республикада эса умумий кўрсаткич 7,3 бандга ошган. Бир сўз билан айтганда, Андижон вилоятидаги ушбу кўрсаткич республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлса, Сурхондарёда нисбатан паст кўрсаткичга эгадир. Ана шу мулоҳазалар ҳамда партияимизнинг бошланғич, туман, вилоят ташкилотлари ва электроратимиз томонидан ўтказилган учрашувлардаги тақлифларни инобатга олиб, фракция аъзолари ушбу назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишди.

Маъмур тадбирга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи таркибига депутатлар, малакали мухтаassisлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш институти вакиллари жалб этилиб, соҳага доир барча норматив-ҳуқуқий база атрофлича қўриб чиқилди. Хусусан, Андижон вилоятининг Андижон ва Избоскан, Сурхондарё вилоятининг Музробод, Ангор, Жарқўрғон, Қизириқ ва Термиз туманларидаги ахвол жойига чиқиб яқиндан ўрганилди.

Тизимли чора-тадбирлар натижаси ўлароқ хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижроси бўйича ҳар икки вилоятда ҳам самарали ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ишловлар кўламини кенгайтириш

ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар Дастури» асосида мутасадди ташкилотлар томонидан «Тадбиркорлар куни»ни ўтказиш белгиланган. Бунда тушаётган муносабатларни давлат органларида қўриб чиқиш механизми самарали ишламоқда. Эътиборлиси, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуш ҳолатлари бўйича доимий «сўровнома»лар ҳам ўтказиб келинаётди.

ри эса жиноий жавобгарликка тортилган. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида тадбиркорлар манфаатларига зид бўлган 64 та қарор бекор қилинган. Шундан 3 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 61 таси назорат қилувчи органларга тегишлидир.

Албатта, бу тадбирлар ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлардан кичик бир мисоллар, холос. Қувонарлиси, юқорида қайд этилганидек, ушбу фаоли-

ят бугунги кунда нафақат давлат ва назорат қилувчи ташкилотлар, балки фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, партияимизнинг барча тузилмалари, депутатлик корпусимизнинг энг муҳим вазифалари сифатида қаралмоқда.

Назорат-таҳлил натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари мутасадди вакилларининг соҳада амалга оширилаётган ишлар борасидаги ахборотлари тингланди. Унда амалиётда учраётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш соҳасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ютүқ бор жойда камчилик ҳам бўлади. Фақат шу камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уни ўз вақтида бартараф этсак, фаолиятимиз янада ривожланаверади. Умуман олганда, ўрганиш жараёни мулкдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг давлат бошқаруви органлари томонидан бажарилиши борасидаги ишлар Андижон ҳамда Сурхондарё вилоятларида тизимли равишда амалга оширилаётганини кўрсатди.

Мухтасар қилиб айтганда, давлат органлари ва хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, партияимизнинг парламентдаги фракцияси ва ҳудудий кенгашлардаги депутатлик корпуси, партиянинг барча бўғинлардаги тузилмалари, электрорат вакиллари ўртасидаги алоқаларни тобора мустаҳкамлаш, белгиланган вазифаларнинг жойларда сўзсиз амалга оширилиши устидан кучли парламент назоратини ўрнатилиш — буларнинг ҳаммаси халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## Ҳудудий конференциялар

### ФАОЛИЯТИМИЗГА ХОЛИСОНА БАҲО БЕРАЙЛИК

**O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши конференциясида ўтган даврда амалга оширилган ишлар, хусусан, партия Ҳаракат дастури ва Сайловди платформасида белгиланган вазифаларнинг ижроси, кўзда тутилган лойиҳалар натижаси тўғрисида атрофлича сўз юритилди**

**Бехўзд ИСРОИЛОВ,**  
«XXI asr»

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Ҳудудий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги фармойишини бажариш бўйича ҳам ҳудудда муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, 2011 йилда бошланғич партия ташкилотлари сони 707 тани ташкил этган бўлса, 2015 йилнинг июнь ҳолатига бу кўрсаткич 763 тага етди. Лекин партиянинг негизи бўлган БПТлар ташкил қилишда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ҳисобот даврида Қўшқўпир, Янгибозор туманларида бошланғич партия ташкилотлари сони 17 тага ортган бир пайтда Гурлан, Урганч, Хива туманларида уларнинг сони ўзгаришсиз қолган. Урганч шаҳри ва Шовот туманида 3 тадан, Ҳазораспда 2 та, Хонқада 1 та қўйи бўғин тузилган, холос.

Тилга олинган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, масъулиятни янада кучайтириш талаб этилади. Зеро, таянч тузилмаларнинг аҳамияти нафақат кундалик фаолиятда, балки йирик сайлов кампаниялари жараёнида ҳам аяққол

кўзга ташланди. Конференцияда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, 2011 йилда турли мутасадди идораларга 107 та депутатлик сўрови юборилган, 67 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилган, шунингдек, 56 мартаба назорат-таҳлил текшируви ўтказилган. Мазкур кўрсаткичлар йилдан-йилга узлуксиз ошиб борган. Янги сайланган депутатлар ҳам сайловчилар ишончини оқлашга астойдил интиломқдалар. 2015 йилнинг I чорағида депутатлик сўровлари сони 46 та, тингланган мансабдор шахслар ҳисоботи 26 та, амалга оширилган назорат-таҳлил тадбирлари 17 тани ташкил қилгани ҳам фикримизни исботлайди. Бироқ шуни рўйи-рост айтиш кераки, амалдаги масъулиятни унутиб қўяётганликларни кузатишди. Хусусан, Богот, Ҳазорасп, Хива, Янгиарик туман кенгашларидаги O'zLiDeP

депутатлик гуруҳлари кенгашлар сессияларида тегишли тақлифлар билан чиқмаганлар. Шунингдек, ўтган давр мобайнида ушбу туманларда партия электрорати манфаатларини ифодалашга қаратилган, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир депутатлик сўровлари жуда камлиги маълум бўлди. Бундай нуқсонлар тез фурсатда бартараф этилиши учун қатъий чоралар кўрилиши керак.

Анжуман иштирокчилари O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенроқ ёйиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда бошқа муҳим йўналишларда амалга оширилган ишларга ҳам баҳо бериб, истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилдилар.

Урганч давлат университети профессори, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Рўзметов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Богот туманидаги «Богот» фермер ҳўжалиги раҳбари Шарифой Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, партия мавқеини янада ошириш, либерал-демократик ғоялар таъсирини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Конференцияда ташкилий масалалар кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## БУНДАН-ДА ЮҚОРИРОҚ НАТИЖАГА ЭРИШИШИМИЗ МУМКИНМИДИ?

**Ҳар бир депутат, ҳар бир БПТ етакчиси ўз-ўзига ҳар кун «Мен нечта мулкдорнинг оғирини енгил қилдим?», «Мен нечта касаначига кредит олишда ёрдам бердим?», «Мен нечта битирувчига бизнесни йўлга қўйишига кўмаклашдим?» сингари саволларни бериши ва бу борада амалий қадамларни қўйиши керак**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**  
«XXI asr»

Иш шундай йўсинда олиб берилса, аҳолининг партияга нисбатан ишончи ва эътибори янада ортади. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ана шундай фикрлар билдирилди.

Анжуманда партия ташкилот томонидан 2011-2015 йиллар давомида олиб борилган ишлар таҳлил қилинди. Шу даврда бир қанча сиёсий, ташкилий имтиҳонлардан муваффақиятли ўтилган, аммо ютуқларга маҳлиё бўлмагандан, партиянинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда янги доволаниши эгаллаш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3 нафар, Жўқорги Кенгесга 25 нафар, шаҳар ва туман кенгашларига 147 нафар депутат сайлангани эътироф этилди. Аммо «Бундан ҳам юқори нати-

жага эришишимиз мумкин эдимиз?» деган савол ўртага ташланди, бу саволга ҳаққоний жавоб берилди. Партиявий ишни юқори даражада ташкил эта олган туман кенгашларининг интилишлари қўллаб-қувватланиб, фаолиятни сезиларли йўсинда суьсайтириб юборган ҳудудий бўғинлар шаънига принципал танқидий гаплар айтилди.

— Биз, депутатларга партия мавқеини янада ошириш учун ишонч ва эътибор кўрсатишмоқдаки, буни амалий ишлар билан оқлашди, зиммамизда катта масъулият борлигини ҳис этган ҳолда фаолият олиб боришимиз, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришда, иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатининг ўсишини таъминлашда янада фаоллик билан ишлашимиз керак, — деди конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси кўмити раиси С.Турманов. — Қабул қилинган қонун, фармон ва қарор-

ларнинг ижросини таъминлаш, партияимизнинг асосий электрорати ҳисобланган ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш, улар учун бизнес муҳитини яратиш, бошланғич ташкилотларнинг ишини янада жонлантириш, янги БПТлар очиб, депутатлик гуруҳлари билан биргаликда аҳолидан келиб тушган муносабатларни қўриб чиқиш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада кучайтириш керак.

Қайд этилганидек, ҳудудда 2011 йили аъзолар сони 10 мингдан зиёдани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йили 13 минг нафардан ошиб кетди. Улардан 1594 нафари ишбилармон, 1748 нафари фермер, 4843 нафари хотин-қиз, 7214 нафари ёшлардан иборат. Айниқса, O'zLiDeP Ёшлар билан ишлаш бўлимининг «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга», «Ёш олимплар ва мутахассислар», «Хавфсиз интэрнет», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» лойиҳаларида фаол иштирок этибтгани навиқрон аловдин ишбилармонлик ва фермерлик кўникмаларини бойитиш, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий билимларини кенгайтиришга хизмат қилади.

## УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши конференциясида туман ва шаҳар партия ташкилотларидан сайланган 125 нафар делегат, халқ депутатлари ҳудудий ҳамда маҳаллий кенгашлари депутатлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар**

**Эльмира РАҲМОНОВА,**  
«XXI asr»

Анжуманда ўтган 5 йил давомида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самаралари атрофлича муҳокама этилиб, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

Масалан, вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган «Мулкдор оила» лойиҳаси тобора кўпроқ юртдошларимизни қамраб олаётган. Жорий йилда лойиҳада 88 нафар фуқаро иштирок этиб, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини янада мустаҳкамлади. Эътиборлиси, иштирокчиларнинг умумий қиймати 3 млрд. сўмга тенг бизнес-режалари молиялаштиришга муносиб топилди. Уларнинг 84 нафарига жами 2 млрд. сўмга тенг имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши тўғрисида 200 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, ижтимоий-гумани-

тар ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича фаол иш олиб борилди. Бунда асосий эътибор аёллар ва ёшларни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликка жалб этиш масаласига қаратилди. «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаларида вилоят бўйича 6 мингдан зиёд ёш иштирок этиб, уларнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий савияси ҳамда кўникмалари оширилди. 2014 йилда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида 62 нафар ишбилармон аёл иштирок этди. Уларнинг 58 нафарига 103 млн. 700 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бунинг натижасида юздан ортқ ола-синглимиз доимий иш билан таъминланди.

Депутатлар ҳам зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилдилар. 2011-2015 йиллар давомида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзоларига 1 339 нафар фуқародан муносабатлар келиб тушди. Уларнинг 1 264 таси ижобий ҳал қилиниб, 75 фуқарога маслаҳат ва тавсиялар берилди. Шунинг баробарида кўтарилган муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга 315 та депутатлик сўрови йўлланди. Маҳаллий кенгашлардаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан 59 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Шу билан бирга ҳисобот даврида депутатлар сўй-ҳаракати билан 1 994 та учрашув уюштирилиб, уларда 173 мингдан ортқ партия электрорати ва бошқа соҳа вакили қатнашди.

Анжуман ниҳоясида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳудудий ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.



«XXI ASR» 29 (609)-son, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## «БАРЧАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА»

2014 йилда Наманган туманида 950 нафар аъзони бирлаштираган 48 та O'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб БПТлар сони 68 тага, маслақдошларимиз сони эса 1500 нафарга етди

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**  
O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими

— Қуйи бўғинлар имкониятлари ишга солинган ҳолда партиявий тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлиги оширилгани, электрот манфаатларига доир масалалар юзасидан депутатлик сўровлари тегишли ташкилотларга юборилаётгани, доимий комиссиялар йиғилишларида жойлардаги муаммолар муҳокама, мансабдор шахсларнинг эшитувлари мунтазам амалга оширилаётгани, партия лойиҳалари асосида ёшлар, хотин-қизлар тadbirkorликка кенг жалб этилгани ана шундай натижага эришишда муҳим омил бўлди, — дейди O'zLiDeP Наманган туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Анваржон Абдуллаев. — Бугунги кунда, айниқса, «Дори-дармон» АЖ, АТ «Агробанк», Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлимлари, тумангаз корхонасидаги ва бошқа бир неча таянч тузилмалар ибратли фаолият юритаётганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Бахтиёр Бекмирзаев раҳбарлигидаги «NamMotorServis» МЧЖ бошланғич партия ташкилоти ҳам ижтимоий-сиёсий фаолият нуқталаридан бирига айланган десак, хато бўлмайди.

Ёшлигидан техникага қизиққан Бахтиёр 1996 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодий институтининг менежмент факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳда тажрибали устозлардан бозор иқтисодиёти илмини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш асосларини ўрганди. Айни пайтда хусусий



### «АЪЗОЛАРИ Сони 30 кишидан Ортиқ бўлган бошланғич партия ташкилотларида Жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш учун заруратга кўра БПТ раиси, унинг ўринбосари ва бошқа аъзолари — камида беш кишидан иборат таркибда кенгаш сайланиши мумкин».

O'zLiDeP Уставидан.

тadbirkor сифатида иш бошлади. Электр двигателларини, сув насосларини таъмирлади, кейинчалик уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштири бошлади. Уша йилларда у O'zLiDeP дастурий ғоялари билан астойдил қизиқиш қолди. Партия

маҳаллий кенгаши, БПТлар томонидан ўтказилган ғоявий-сиёсий тadbirkorларда қатнашди, мунозараларда сўзга чиқди. Пировардида ўз сиёсий қарашлари, интилишлари партия мақсадлари билан уйғун эканига ишонч ҳосил қилгач, сафимизга қўшилди.

2007 йилда «NamMotorServis» масъулияти чекланган жамиятини тузди. Кейинчалик корхонада партия таянч бўғинига асос солди.

— Дастлабки пайтларда бор-йўғи уч киши бўлиб ишлаганмиз, — дейди Бахтиёр Бекмирзаев. — Бугунги кунга келиб 45 кишидан иборат катта жамоага айландик. Ишчиларнинг 4 нафари Наманган саноат касб-хунар коллежи битирувчилари.

Ўтган йили мазкур корхонада 389 миллион 801 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соф фойда 175 миллион 782 минг сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, 241 миллион 782 минг сўмга тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Етакчининг айтишича, бу муваффақиятларда бошланғич

партия ташкилотининг ҳам ҳиссаси катта. Муҳим сиёсий тadbirkorлар ўтказиб турилибди. Уларда партия томонидан амалга оширилаётган ишлар, турли лойиҳалар ҳақида сўз юритилапти. Тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган шароитлар тушунтириляпти. Корхонадаги тартиб-интизом, иш самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, депутатлар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Буларнинг барчаси ишчи-хизматчиларнинг сиёсий-хуқуқий онгини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этмоқда. БПТ аъзоларидан Ҳабибулло Валиев, Абдулазиз Абдуқаюмов, Шухрат Мавлонов, Акрам Аҳмедов, Орифхон Саидов меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, фидойилиги билан жамоа ахлининг хурматига сазовор бўлдилар.

— Барчаси ўз қўлимизда, — дейди Б.Бекмирзаев. — Илгаригидек, боқимандалик, кимдандир кўмак кутиб ўтириш замони ўтиб кетган. Айтайлик, мен ишбилармонлик орқали ўз оиламни боқаялман, айни пайтда бошқаларни ҳам иш билан таъминлаялман. Ўз наватида ходимларим, ишчиларим ҳам муайян тажриба ҳосил қилиб, ўз бизнесини йўлга қўяяптилар. Ана шундай бунёдкорона жараёнлар янада кенгроқ қамров касб этишидан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор. Зеро, бошланғич ташкилотимиз аъзолари партия дастурий ғоялари рўёби йўлидаги сазой-ҳаракатларини изчиллик билан давом эттиришга қатъий бел боғлашган.

## Конференция сабоқлари

O'zLiDeP вилоят ташкилотининг конференциясида партияимиз нуфузини янада ошириш, омманинг ишончини қозониш учун, аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш, етакчилар масъулиятини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди

**Искандар АШУРОВ,**  
Қарши туманидаги «Иллинойс» МЧЖдаги БПТ раиси

Шунингдек, шаҳар ва туман кенгашларининг янги сайланган таркиби қуйи бўғинлар билан алоқаларни янада тақомиллаштиришлари, аъзолар сифат таркибини яхшилашга эътибор қаратишлари зарур. Айниқса, фермер хўжалиқларида янги БПТлар ташкил этилишига алоҳида диққат қаратиш керак. Бошланғич ташкилот хоналарини партиявий тарғибот-ташвиқот воситалари билан талаб даражасида жиҳозлаш, дастурий кўрсатмалар ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш борасида ҳам изчил иш олиб бориш, партия аъзоларининг билим ва маънавиятини ошириш ва ноанъанавий тadbirkorлар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги хусусида сўз юритилди.

Таянч тузилма етакчиси сифатида конференциядан сўнг ўз устимизда ҳали кўп ишлашимиз зарурлигини англадим. Чунончи, қуйи бўғинда кўтарилган муаммоларни туман кенгашларига олиб чиқишда партия аъзоларининг депутатлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич ташкилотимизнинг йигирма нафар аъзоси бор. Фаоллардан Сулаймон Ашуров, Мирзаабдулла Абдибоев, Муҳаддас Ҳамроқуллова, Мурод Ҳамзаев аҳоли ўртасида дастурий мақсадла-

римизни кенг тарғиб қилмоқдалар. Кадрлар захирасини яратиш, сафларимизга кирган ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларнинг партиявий фаоллигини таъминлаш мақсадида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтирялмиз.

Жорий йилнинг ўтган ярим йили мобайнида корхонамизда беш нафар касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминладик. Ўттизга яқин фуқаро БПТимизга турли масалалар бўйича муҳокама қилди. Уларнинг барчасини ижобий ҳал этишга эришдик. Жорий йилда касб-хунар коллежларини битирган 2 нафар ёш бизнинг кўмагимиз, маслаҳатимиз ва қўллаб-қувватлашимиз туфайли ўз тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйди. Эндиликда бешкентликларга элита парда тикиш цехи ва кенг форматли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш фирмаси хизмат кўрсатмоқда.

Келгусида ўз иш услубимизни тубдан янгилаб, аъзоларимизнинг сифат таркибини қайтадан қўриб чиқамиз. Аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб этган ҳолда, аҳолининг турмуши, меҳнат шариоити билан чуқурроқ танишиб, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш юзасидан тақлифлар бериб борамиз. Истагимиз — қуйи бўғинимиз йиғилишида билдирилган тақлифлар келгусида қўнунчиликда ўз аксини топсин, ислохотларни жаллаллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўйилсин.

## «Партиялараро рақобат шароитида эришилган натижалар билан қаноатланмаслигимиз керак»

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва том маънодаги демократик давлат барпо этиш, юрт тинчлиги ва ободлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлашда сиёсий партияларнинг фаол иштироки эътибор учун тенг шароит яратилган

**Аҳмад МАЖИДОВ,**  
Олтинсой тумани, «Янги турмуш» фермер хўжалигидаги БПТ раиси, туман кенгаши депутати

Бунёдкорона жараёнларда партияимиз ўз дастурий ғоялари ва Сайловолди платформасини изчиллик билан амалга ошириши учун маҳаллий ва худудий кенгашлар қатори жойлардаги бошланғич ташкилотлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланган.

Партия вилоят ташкилотининг охириги беш йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган ҳисобот-саялов конференциясида ана шундай муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, бундан биз тегишли хулосаларни олишмиз керак. Чунки улар мулк эгаларини ўйлантираётган масалаларни яхши билдилар. Муаммони чуқур билиш эса ҳаётий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлади. Мамунуният билан айтишни истардимки, билдирилган тақлифлар умумлаштирилиб, уларни амалиётга таъбиқ этиш чора-тadbirkorлари қўрилайтир. Ана шундай сазой-ҳаракатлар кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортиб, сайловчиларнинг партияимизга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Туманимизда O'zLiDePнинг 39 та таянч тузилмаси мингга яқин аъзони бирлаштириб турибди. Ваҳоланки, 2011 йил туманда БПТлар сони 27 та, партия аъзолари эса 617 нафар эди. Мазкур рақамлар Олтинсойда ҳам либерал-демократик ғоялар билан сайин кенгроқ оммалашаётганини кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, фермерлик ҳаракати тобора ривожланаётган, одамларнинг сиёсий билими, онги, тафаккури юксалиб бораётган бугунги шароитда партияимизга янада кўпроқ аъзоларни жалб этиш, электрот билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш тақозо этиляпти.

## Куч — ҳамжихатликда

Қўштепа туманидаги «Дибёрбек» фермер хўжалигида тузилган БПТда «Ҳамкорлик — юкори натижалар гарови» музавуида давра сўхбати ўтказилди. Унда партия туман ташкилоти масъуллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи вакиллари, қуйи бўғиннинг 20 нафар аъзоси ва 25 нафар партия фаоли иштирок этдилар. Қуйи ташкилот етакчиси Тоҳиржон Осуловнинг айтишича, тadbirkor партиянинг мақсад ва вазифаларини изчил амалга оширилишида бошланғич ташкилот ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан чора-тadbirkorлар белгиланган. Йиғилишда мазкур БПТга бриктирилган партия вакили, туман кенгаши депутати Абдуҳамид Исроилов ҳам сўзга чиқиб, бошланғич ташкилот аъзолари аҳоли, электрот билан бевосита иш олиб бориш, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлиги, вақтинча шисиз одамларни касаначилик, тadbirkorлик фаолиятига жалб этиш ва шулар орқали партия нуфузини янада ошириш барча партия фаолларининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади. Тadbirkor иштирокчилари мавзу бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдириб, наватдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

## ТУЗАТИШ

Газетанинг 2015 йил 7 июль 28(608)-сонидagi «Бошланғич партия ташкилотларида» саҳифасида берилган «Мақсадлар муштараклигининг ёркин ифодаси» сарлавҳали мақоладаги «Рустам Ойхўжаев» исм-фамилияси «Рустам Айхўжаев» деб ўқилсин.

## «Зебо»даги БПТ яхши ишлаяпти

O'zLiDeP фаоли Файзинисо Шукурова раҳбарлик қилаётган «Зебо» хусусий корхонаси кўп йиллардан бери Каттакўрғон шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиб келмоқда. Жамоа кейинги йилларда фаолият турини янада кенгайтириб, оҳак ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аёллар ва эркаклар уст-бошларини тикиш ва таъмирлаш цехини очди. Эътиборлиси, ҳар икки янги йўналиш O'zLiDeP бошланғич ташкилоти фаолларининг ташаббуси билан ташкил этилди

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**  
«XXI asr»

— O'zLiDePra 2010 йилда аъзо бўлганман, — дейди корхона раҳбари, БПТ етакчиси Ф.Шукурова. — Режа асосида ўз вақтида ўтказиб борилаётган йиғилишларимизда партия шаҳар кенгаши мутасаддилари иштирок этиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, тadbirkorларга яратилаётган қўлай шарт-шароитлар хусусида афрофлича тушунча бериб, янги-янги лойиҳаларга қўл уришга рағбатлантирмоқдалар. Бу эса, табиийки, янги иш ўринлари очилишига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Ҳақиқатан ҳам шундай.

Бугун «Зебо» хизматидан нафақат Каттакўрғон шаҳри, балки қўшни туманлар аҳолиси ҳам кенг фойдалана бошлади. Хусусан, маиший техника жиҳозлари, айтайлик, телевизор, компьютер ёки кондиционерларни созлатиш учун Самарқандга қатнашга эҳтиёж қолмади. Корхона фаолиятини янада жонлантиришда Шахло Тоғаева, Наргиза Хидирова, Сайёра Хўжаева, Гулчехра Ҳалимова ташаббускор бўлишяпти. Айнан улар сазой-ҳаракати билан корхона афрофи ободонлаштирилиб, чаманзорга айлантирилди. Илгари ташланғич бўлиб ётган ерлар кўкаламзорлаштирилди, кўркам манзилга айлантирилди.



Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда БПТ фаоллари яна бир ибратли ташаббус — худудда кимёвий тозалаш хизматини йўлга қўйиш тақлифи билан чиқдилар.

Бунга эҳтиёж катта, дейиш-

ди фаоллар. Чунки Каттакўрғон шаҳрида бундай марказ йўқ. Хорижий технологиялар асосида йўлга қўйилган хизмат туридан аҳоли мамун бўлади, бир неча янги иш ўринлари яратилди, албатта.

## Истеъмолчилар манфаатлари эътиборда

Тўрақўрғон туманидаги «Кичик қўрғонча гулшани» кўп тармоқли фермер хўжалигида фаолият юритаётган қуйи бўғин 20 нафар маслақдошни бирлаштираган. Улар партия Устави талабларига мувофиқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашмоқдалар

**Ахроржон МУСУРМОНОВ,**  
«XXI asr»

— Бу борада бошланғич ташкилотимиз етакчиси Равшанбек Шарофидиновнинг халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP де-

путатлик гуруҳи аъзоси экани муайян аҳамият касб этаётир, — дейди қуйи бўғин аъзоларидан бири Фазлидин Жалолов. — Яқинда бизга «Кичик қўрғонча» МФЙ худудидagi 170 та хонадон номидан электр таъминоти масаласи бўйи-

ча муҳокама тушганди. Ийгилишимизда уни афрофлича муҳокама этдик ва етакчимиз ўзининг депутатлик ваколатидан фойдаланишини мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Дарҳақиқат, Р.Шарофидинов депутатлик ваколатларини ишга солди. Туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови йўллади. Унинг сазой-ҳаракатлари бесамак бўлмади. 3 км. масофага симёғочлар ўрнатилиб, электр сими тортилди. Трансформатор қайта

таъмирланди. Шу йўсинда муаммо тез фурсатда ҳал қилинди. — 1300 аъзони бирлаштираган 63 та бошланғич ташкилот фаолиятини мувофиқлаштирялмиз, — дейди партия туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нигора Назарова. — Кейинги пайтда қуйи бўғинларнинг аҳоли муҳокамалари билан иш олиб боришда депутатлар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорли-

ги анча фаоллашгани диққатга сазовор. Биз бу ижобий жараённи изчил қўллаб-қувватлялмиз. Масалан, ходимларимиз жойларга чиқиб, зарур хуқуқий ва ташкилий кўмак беришяпти. Зеро, иш юритиш услублари бироз фарқланса-да, бу тузилмалар фаолият алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан ягона мақсад, яъни мустақил диёримизда яшашни ҳар бир инсон фаровонлиги муттасил ўсиб боришини таъминлашга қаратилган.





# СЎНГГИ САҲИФА

## «АСАКА» БАНК — ИШБИЛАРМОНЛАРГА ЯҚИН ҲАМКОР

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратишга катта аҳамият берилмоқда. Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида хусусий сектор иқтисодиёт ва аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида асосий кучга айланди



Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Молия хизматлари бозорида етакчи мавқени сақлаб келаётган «Асака» банк Олтиариқ филиали жамоаси туман иқтисодиётининг барча тармоқлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Банк филиали томонидан 2015 йил 1 июль ҳолатига туман иқтисодиётини тараққий

таъминландилар. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ажратилган кредитлар эса 3,1 млрд. сўмдан ошди. Натижада маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. — «Асака» банк молиявий

жлантириш дастури» бўйича 6 та лойиҳани молиялаштириш учун 1,5 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилди ва бунинг натижасида янги иш ўринлари ташкил этилиб, йигит-қизларнинг бандлиги таъминланди.

«Ёшларга оид давлат сиёсати»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Айтиш мумкин-

**Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида банк филиали томонидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 5,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ушбу сармоялар туманда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва аҳоли турмушини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, қўллаб янги иш ўринлари яратилиб, тумандаги бир неча фуқаролар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминландилар.**

этиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 32,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредитларнинг асосий қисми узоқ муддатлидир. Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида банк филиали томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 5,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ушбу сармоялар туманда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва аҳоли турмушини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, қўллаб янги иш ўринлари яратилиб, тумандаги бир неча фуқаролар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминландилар.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам тадбиркорлик раванқига самарали таъсир кўрсатмоқда. Одамларнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмуши бундан-да обод ва гўзал бўлишини таъминлашга қаратилган мазкур дастуриламал ҳужжат талаблари доирасида банк миқозлари 1,2 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит билан

қўмаги туфайли туманимиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз, — дейди «Аҳмадjon Қодир» чорвачилик фермер ҳўжалиги раҳбари Улугбек Аҳмаджонов. — Президентимизнинг юқоридаги қарорига мувофиқ имтиёзли шартларда «Асака» банк Олтиариқ филиалидан ажратилган кредитга чет элдан 50 бош зотдор ва сермахсул чорва моллари сотиб олдим. Қўшимча 7 нафар янги иш ўрни яратилиб, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Молиявий ҳамкоримиз бўлган «Асака» банкнинг сифатли хизматларидан мамнунимиз. Албатта, унинг молиявий қўмагида ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириб, чорвачилик ривожига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

2013-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш банк тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Хусусан, филиал томонидан жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида «2014-2016 йилларда Олтиариқ туманини ижтимоий-иқтисодий риво-

ки, жорий йил биринчи ярми давомида банк филиали томонидан олий ўқув юртра-рига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 102 нафар талабага таълим кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ижобий ишлар олиб борилмоқда. Банк филиали томонидан 21 нафар коллеж битирувчисиغا бондорчилик, паррандачилик ва чорвачиликни йўлга қўйиш ҳамда иссиқхоналар барпо этиш учун имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида янги боғлар ташкил этилиб, аҳолини мева-чева, тухум, парранда гўшти ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш янада яхшиланди ҳамда қўллаб янги иш ўринлари яратилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Асака» банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти фақатгина кредит ажратиш билан чекланиб қолмаяпти. Банк ва тадбиркор ҳамкорлигини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Чунончи, кичик бизнес субъектларига янада қулай имкониятлар яратиш мақса-

РЕКЛАМА ЎРНИДА



дида банк филиалида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Бу ерда малакали мутахассислар томонидан кредит ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш юзасидан зарур маслаҳатлар бериб берилмоқда. Шунингдек, «Тадбиркорлар бурчаги» орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот берилмоқда.

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда юртимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратилгани, соҳага қўллаб имтиёзлар таътиб қилинаётгани муҳим омил бўлди, — дейди «KARIMJON OLTARIQ MEBEL» оилавий корхонаси раҳбари Қаримжон Хусанов. — Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда харидорларнинг истақлари асосида янги турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирдик. Жорий йил бошида лойиҳани амалга ошириш ниятида «Асака» банк Олтиариқ филиалига кредит олиш учун мурожаат қилдик. Масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Бизга имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Бунинг натижасида маҳаллий хом ашё асосида қўшимча 7 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосийси, янги иш жойлари яратилиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Келгусида «Асака» банк билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик натижасида мебелсозлик саноати ривожига муносиб ҳисса қўлиши, аҳоли учун янада қулай ва ҳамёнбон мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ният қилганмиз.

Туманда тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес субъектлари сонининг мунтазам равишда ортиши кузатишмоқда. Маълумки, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг оёққа туриб олиши осон кечмайди. Бундай паллада уларни изчил қўллаб-қувватлаш, тасарруфидоги бошланғич капитални қўлайтиришга фаол қўмаклашиш даркор.

Банкнинг бу борадаги фаолият қўламини анча кенг ҳамда салмоқли. Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, миқозлар манфаати «Асака» банк ходимлари учун доимо устувор ва ҳамisha асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда Олтиариқ туман аҳолиси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Асака» банк хизматларидан мамнун бўлишаётгани ҳам бежиз эмас.



Сониқ ЗОИР олган сурат

**ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ**

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Яккасарой» маҳалласида истиқомат қилувчи Фатхуллоҳ ҳожи ота Нигматов хонадонидан бўлганмишда иштилганга бахт ва омад ёр эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Дастурхон ҳамшира тўқин-соҳин. Барака ўзаро аҳиллик ва тотувликда эканлигини ушбу хонадон мисолида кўриш мумкин. Оила бошлиғи — салкам 90 ёшни қоралаган Фатхуллоҳ ҳожи ота Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, ўнлаб тарбиявий китоблар муаллифи ҳамдир. У турмуш ўртоғи Холлада ҳожи она билан бирга фарзандларини эсли-хушли, меҳнатни қадрлайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Бугун 6 нафар қиз, уч нафар ўғил, 30 нафар невара, 11 нафар эвара ардоғида умргузаронлик қилаётган оила бошлиғи маҳаллани тўй-маъракаларига ҳам бош-қош. Фарзандлар камолини кўриб, жамиятга фойда келтираётганидан қувониб яшаётган инсонлар умри эса роҳат-фароғатда ўтади. Хусусан, оила фарзандлари мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Қизлари «Ифратли келин», «Бегим-бегойим» номли ўқув даргоҳлари очиб, ёшларга турли соҳалар бўйича сабоқ беришмоқда.

ЭЪЛОН

### БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

«Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси кичик ва хусусий бизнес вакиллари, оилавий тадбиркорлик субъектлари, «Ангрен махсус индустриал-иқтисодий зонаси»да фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларига сифатли, истеъмолчиларга манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришларида ёрдам беради.

Муҳтарам тадбиркорлар!

Сиз ўз корхонангизда ишлаб чиқараётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқ сертификат олишингизда ва тайёрлаётган маҳсулотингизни ички ҳамда ташқи бозорда ўз харидорини топиши учун корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизимини» жорий этишингизда марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари зарур маслаҳатлари ва ёрдамларини аямаядилар.

Шунингдек, корхонангиз ёки хонадонингизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам бизга бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз тадбиркорлар, қадрли истеъмолчилар!

«Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг + 998 70 613-69-65 рақамли «Ишонч телефони» ёки olmaliq\_info@inbox.uz веб-сайти орқали мурожаат қилсангиз, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Чунки биз доимо Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилми: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси, 2-уй. Телефонларимиз: +998 70 613-69-65, факс: 613-82-62 e-mail: olmaliqssm@rasm.uz olmaliqssmdk@ext.uz

«ОЛМАЛИҚ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.

# ROYAL STEEL


ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Для производства профнастила и металлочерепицы используется только качественное сырьё известных фирм Южной Кореи и России. Нашим Клиентам мы предлагаем гибкую систему скидок и высокую скорость обслуживания. Для постоянных клиентов созданы специальные условия.

Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтепа-26, ул. Мақсуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)

ROYAL STEEL

www.royalsteel.uz

Товар сертифицирован.

ЭЪЛОН

### ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

«Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси тадбиркорлар, шунингдек, «Жиззах махсус индустриал-иқтисодий зонаси»да ўз фаолиятини олиб бораётган қўшма корхоналар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларига рақобатбардош, сифатли, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришларида ёрдам беради.

Сиз ишлаб чиқараётган ёки хоридан келтираётган маҳсулотларга мувофиқ сертификати эга бўлишингиз, шунингдек, маҳсулотингизни ички ва ташқи бозорда харидорингиз бўлиши учун корхонангизда Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизимини» жорий этишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари доимо ўз маслаҳат ва ёрдамларини аямаядилар.

Яна бир қулайлик — ўз корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қадрли тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!

«Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг + 99872 226-14-71 рақамли «Ишонч телефони» орқали ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамыз!

Манзилми: Жиззах шаҳри, М.Хусанов кўчаси, 20 «А»-уй. Телефонларимиз: +998 72 226-14-71, факс: 226-33-81 e-mail: jizzhssm@rasm.uz

«ЖИЗЗАХ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.

XXI ASR

ЎТМОЙ-СИСОЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — О'ЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI\_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буортма рақами: S 3435 Тираж: 10048

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани кўрсатишни шарт. Муаллифлар фирми тахририят нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

Навбатчилар:

Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФАРОВ.